



ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТНИНГ ЎРНИ

Сатимов Бахром Хусанович

71908 харбий кисм мустакил изланувчиси

Аннотация: Мазкур тезисда ўқув жараёни самарадорлигини таъминлашда педагогик фаолиятнинг аҳамияти, унинг методик, инновацион ва шахсий йўналишлари ёритилган. Замонавий таълим тизимида педагогнинг фаоллик, яратувчанлик, инновацион фикрлаш ва коммуникация қобилиятлари асосида ўқув жараёни самарадорлигининг ошиши илмий жиҳатдан таҳлил қилиниб, ривожланган давлатлар тажрибаси мисолида педагог фаолиятини такомиллаштиришнинг самарали йўллари, ўқитувчиларда янгича дунёқараш ва илғор ёндашувларни шакллантириш масалалари кўриб чиқилган.

Таянч сўзлар: ўқув жараёни, педагогик фаолият, самарадорлик, инновацион фикрлаш, компетенция, коммуникация, мотивация, замонавий таълим технологиялари.

Мавзунинг долзарблиги шундаки, бугунги интелект ва рақамли трансформация асрида жамиятнинг ҳар бир соҳасида янги ғоялар, инновацион ёндашувлар, ташаббус ва мотивациялар самарали натижаларнинг асосий гаровига айланмоқда. Таълим тизими ҳам бундай ўзгаришлар марказида бўлиб, у барқарор ривожланиш ва интеллектуал салоҳиятни шакллантиришда ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Ўқув жараёни самарасини оширишда асосий омил педагог фаолиятининг мазмун ва сифатидир, хусусан унинг ижодкор ва ташаббускорлиги, мулоқот маданияти, янги ғоялар билан ёндашуви ҳамда инновацион фикрлаш қобилиятлари биринчи ўринга чиқмоқда.

Бугунги кунда дунёдаги илғор давлатлар – Финляндия, Сингапур, Германия, Япония ва АҚШ – таълим тизимида юқоридаги қобилиятлар педагог тайёргарлигининг асосий мезони сифатида белгиланган. Бу тажриба Ўзбекистон учун ҳам долзарб аҳамият касб этади, чунки мамлакатимизда таълим сифатини ошириш, рақобатбардош авлодни тарбиялаш ва педагог фаолиятини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган¹⁸.

Шундай экан, **“Ўқув жараёнини самарадорлигини таъминлашда педагогнинг ўрни”** мавзусининг долзарблиги унинг замонавий таълимни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишдаги ўрни ва аҳамияти билан белгиланади.

Кириш

¹⁸ European Commission (2023). *Teacher Innovation Competence Model*.
Ministry of Education Japan (2024). *Kaizen Education Practices*.



Таълим тизимидаги ислохотларнинг асосий мақсади – бу ўқув жараёнининг самарадорлигини оширишдир. Бу жараёнда асосий омил – **педагог фаолиятининг сифатидир.**

Бугунги кунда ўқитувчи янги ғоялар генератори, ижодий муҳит яратувчи (ижодий раҳбар), шахсни шакллантирувчи, ўрганувчиларнинг (ўқувчи, тингловчи ва курсантларнинг) фаоллигини қўллаб-қувватловчи, ташаббускор, етакчи шахс сифатида намоён бўлиши керак. Шундай экан, замонавий педагогдан фақат назарий ва амалий билим эмас, балки инновацион ёндашув, мулоқот маданияти, мотивлаштириш, янгича амалий кўникмаларни қўллаш ва ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш қобилияти талаб этилмоқди.

Асосий қисм

1. Педагогик фаолиятнинг мазмуни ва вазифалари¹⁹

Педагогик фаолият – бу ўрганувчиларни (ўқувчи, тингловчи ва курсантларни) ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида амалга ошириладиган ижтимоий, психологик ва интеллектуал ҳаракатлар тизимидир.

Педагогик фаолиятнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

таълим мақсадларини (дастур ва мавзулар режасини) аниқ белгилаш;

ўқув жараёнини пухта режалаштириш ва ташкил этиш;

замонавий метод ва технологияларни қўллаш;

тингловчиларнинг индивидуал имкониятларини ҳисобга олиш;

баҳолаш, фидбек ва менторлик тизимини такомиллаштириш.

Бу жараёнда педагог – раҳбар, маслаҳатчи ва мотиватор ролини бажариши лозим.

2. Ўқув жараёни самарадорлигини оширишда педагогнинг роли

Таълим самарадорлиги деганда – бу тингловчиларда билим, кўникма ва малакаларнинг чуқур ўзлаштирилиши ҳамда уларнинг шахсий ривожига эришиш даражаси тушунилади.

Педагог бу жараёнда қуйидаги омиллар орқали ҳал қилувчи ролни ўйнаши лозим²⁰:

¹⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни – Тошкент: “Ҳуқуқ”, 2020-йил.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Педагог кадрларнинг касбий малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори, 2023-йил.

Хасанова М.Ш. Педагогик фаолиятда инновацион ёндашувлар ва таълим самарадорлиги – “Та’лим taraqqiyoti” журнали, 2024-йил.

²⁰ Тўраев Ш.Р. Замонавий таълимда педагогнинг ижодий фаолияти – Самарқанд: “Zarafshon”, 2023-йил.

Ҳамидов А.А. Педагогик маҳорат ва инновацион фаолият асослари. – Тошкент: “Fan va texnologiya”, 2023-йил.



2.1. Инновацион фикрлаш – агар педагогда инновацион фикрлаш мавжуд бўлса, у дарс жараёнида фақат маълумот бермайди – ўқувчини фикрлашга, изланишга ва яратишга ундайди.

2.2. Интерактив усуллардан фойдаланиш – “Case study”, “Mind map”, “Debate” ва “Project work” каби усуллар ўқувчилар фаоллигини оширади.

2.3. Мотивация яратиш – тингловчиларда қизиқиш уйғотиш орқали билим сифатини ошириш.

2.4. Таълимни индивидуаллаштириш (шахсий ёндашув) – ҳар бир тингловчига алоҳида эътибор қаратиб, унинг қобилиятига мос ёндашувни қўллаш.

2.5. Рақамли технологиялардан фойдаланиш – интерактив платформалар (Kahoot, Mentimeter, Padlet, Google Classroom, Moodle, EduPage) орқали фаол иштирок муҳитини яратиш ва дарс самарадорлигини ошириш.

Натижада таълим жараёни **ижодий муҳитга айланади**, тингловчи эса пасив қабул қилувчи эмас, балки фаол ижрочи ва яратувчига айланади.

3. Инновацион фикрлашнинг ўқув жараёнидаги ўрни ва таъсири

Инновацион фикрлаш – бу фикрлашнинг энг юқори босқичи бўлиб, у қуйидаги хусусиятлар билан ифодаланади:

янги ғояларни тез илғаб олиш ва қайта ишлай билиш;

тақлидчилик эмас, ижодий ёндашувга таяниш;

технологик воситаларни таълим мақсадида самарали қўллаш;

масалаларни тизимли таҳлил қилиш ва креатив ечим топиш.

Агар педагогда инновацион фикрлаш мавжуд бўлса, у дарс жараёнида фақат маълумот бермайди – тингловчини фикрлашга, изланишга ва яратишга ундайди.

Машғулот мазмунини янгилайди – фан мазмунини ҳаёт билан боғлаб, муаммоли вазифалар қўяди.

Тингловчиларда креатив фикрни ривожлантиради – мустақил изланиш ва тадқиқотни рағбатлантиради.

Натижада ўқув жараёни ижодий муҳитга айланади, тингловчи эса пасив қабул қилувчи эмас, балки фаол ижрочи ва яратувчига айланади.

4. Хорижий тажрибалар²¹

Хасанов Б.А. “Замонавий ўқитувчида инновацион компетенциялар тизими” – Самарқанд, 2024.

Азизхўжаева Н.Н. “Инновацион педагогика ва креатив фикрлаш” – Тошкент, 2023-йил.

²¹ 11. Бех И.Д. Личностно-ориентированный подход в образовании – Киев: “Либра”, 2019 год.

Anderson, L. W., & Krathwohl, D. R. *A Taxonomy for Learning, Teaching, and Assessing*. — New York: Addison Wesley Longman, 2020.

OECD. *Teaching and Learning International Survey (TALIS) Report*. — Paris: OECD Publishing, 2021.

OECD (2023). *Innovative Teaching for Quality Education*.



4.1. **Финляндияда** педагог фаолияти “Creative Learning Approach” “Ўқитувчи – илмий тадқиқотчи” модели асосида қурилган бўлиб, ҳар бир ўқитувчига дарс жараёнида янги усулларни синаб, тажриба ўтказиш ва натижани таҳлил қилиш имкони берилган. Бу таълим сифатини оширишнинг ва самарадорликка эришиншининг асосий манбаи ҳисобланади.

4.2. **Германияда** “Didaktische Reflexion” тизими орқали ўқитувчилар ўз дарсларини таҳлил қилиб, ҳар бир машғулотнинг натижавийлигини баҳолайдилар.

4.3. **Японияда** “Lesson Study” тизимида ўқитувчилар гуруҳ бўлиб дарс сценарийларини ишлаб чиқадиладар ва амалда синаб кўрадиладар. Бу педагогик тажрибани тўплаш ва самарадорликни оширишга хизмат қилади. Ҳар бир дарсдан сўнг “Lesson review” орқали инновацион ечимлар муҳокама қилинади.

4.4. **Испанияда** таълим самарадорлиги кўрсаткичлари ўқитувчи ва ўқувчи фаоллигига боғлиқ ҳолда автоматик баҳолаш тизими орқали аниқланади.

4.5. **АҚШда** “21st Century Skills Framework” доирасида педагогларда critical thinking, creativity ва collaboration кўникмалари мажбурий компетенциялар сифатида белгиланган.

5. Ўзбекистондаги амалиёт

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 майдаги “Педагог кадрларнинг касбий малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорида таъкидланганидек, ўқитувчининг касбий фаолияти самарадорлиги таълим сифатига бевосита таъсир кўрсатади. Бугунги кунда мамлакатимизда:

педагогларнинг малака ошириш курслари (“Innovatsion ta’lim”, “Raqqamli pedagog”) йўлга қўйилган;

дарс жараёнида STEAM таълим, компетенциявий ёндашув ва CLIL методикаси кенг қўлланилмоқда;

педагогик портфолио орқали ўқитувчи фаолияти натижавий баҳоланмоқда.

Хулоса

Ўқув жараёни самарадорлиги педагог фаолиятининг ижодий, фаол ва рефлексив йўналишига боғлиқ. Самарали педагог:

таълим мақсадларини тўғри белгилайди;

замонавий технологиялардан фойдаланади;

ўрганувчиларда (қувчиларда ижодий фикрлашни ривожлантиради, мотивация беради ва рағбатлантиради;

натижани таҳлил қилиб, доимий ривожланишга интилади.



Демак, таълим самарадорлигининг асосий гарови – **педагогнинг фаол, инновацион ва инсоний** (виждонан ёндашув) **муносабатидир**.

Шу боис, ўқув жараёни самарадорлигини таъминлашда педагогнинг ўрнини белгилаш ва унинг инновацион фикрлаш қобилиятини ривожлантириш таълим тизимининг стратегик вазифасига айланмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни –Тошкент: “Хуқуқ”, 2020-йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Педагог кадрларнинг касбий малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори, 2023-йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2022-йил.
4. Хасанова М.Ш. Педагогик фаолиятда инновацион ёндашувлар ва таълим самарадорлиги – “Ta’lim taraqqiyoti” журнали, 2024-йил.
5. Ҳамидов А.А. Педагогик маҳорат ва инновацион фаолият асослари. – Тошкент: “Fan va texnologiya”, 2023-йил.
6. Назарова Г.Қ. Педагогик технологиялар ва уларнинг таълим жараёнидаги аҳамияти – Тошкент: “Илм-зиё”, 2023-йил.
7. Тўраев Ш.Р. Замонавий таълимда педагогнинг ижодий фаолияти – Самарқанд: “Zarafshon”, 2023-йил.
8. Юсупова Д.А. Ўқув жараёни самарадорлигини баҳолашда замонавий усуллар – “Педагогика ва психология” журнали, №2, 2024-йил.
9. Хасанов Б.А. “Замонавий ўқитувчида инновацион компетенциялар тизими” – Самарқанд, 2024.
10. Азизхўжаева Н.Н. “Инновацион педагогика ва креатив фикрлаш” – Тошкент, 2023-йил.
11. Бех И.Д. Личностно-ориентированный подход в образовании – Киев: “Либра”, 2019 год.
12. Anderson, L. W., & Krathwohl, D. R. *A Taxonomy for Learning, Teaching, and Assessing*. — New York: Addison Wesley Longman, 2020.
13. OECD. *Teaching and Learning International Survey (TALIS) Report*. — Paris: OECD Publishing, 2021.
14. OECD (2023). *Innovative Teaching for Quality Education*.
15. European Commission (2023). *Teacher Innovation Competence Model*.
16. Finnish National Board of Education. *Creative Learning and Pedagogical Innovation in Finland*.
17. Ministry of Education Japan (2024). *Kaizen Education Practices*.